# ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳокимлик, солиқ, бошқа назорат қилувчи идоралар ва тижорат банкларига қонунбузарликни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш тўғрисида 73 та тақдимнома киритилган бўлса-да, биронбир айбдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинмаган. Бунинг асосий сабаблари шундаки, тақдимномалар хўжакўрсинга киритилади. Тақдимнома киритилган идора билан муносабатни бузмаслик учун "Адлия вазирлигидан талаб қилишди, шунинг учун тақдимнома киритдим," деган важлар билан тақдимнома ижросиз қолиб кетади. Охир-оқибатда эса жавобгар шахслар ҳам қонуний жазога тортилмасдан қолади, қонунбузарликлар эса яна давом этаверади. Масалан, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан Наманган вилоят ер ресурслари ва Тўрақўрғон туман ҳокимлигида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, айбдорларни жазолаш тўғрисида 2003 йил 28 апрел куни тақдимнома киритилган. Аммо ушбу тақдимномаларнинг ижроси июн ойигача таъминланмаганини қандай баҳолаш мумкин? Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан Ангрен шаҳар ИИБнинг ёнғинга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан "Лирик" кичик корхонасида 2003 йил 31 январда ноқонуний текшириш ўтказилганлиги аниқланган.

Адлия бошқармаси 17 апрелда ИИБга тақдимнома киритганига қарамай шу кунга қадар айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилмаган, тақдимнома ҳам ижросиз қолиб кетган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда барча ваколатлардан самарали фойдаланиш лозим. Мана, бир мисол: Адлия вазирлигига "Омад" акциядорлик жамияти мурожаат қилиб, Бухоро вилоят солиқ бошқармасининг қарорига асосан корхонадан 59 миллион сўм қўшимча солиқ ноқонуний ундирилаётгани тўғрисида шикоят қилди. Ушбу ҳаракатнинг қонунийлиги аниқлангунча, корхонанинг маблағини "инкасса" топшириқномаси билан олиб қўйилишини олдини олиш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан мавжуд ваколатлардан тўғри фойдаланган ҳолда Давлат солиқ қўмитасига ҳаракатни тўхтатиб туриш тўғрисида талабнома киритилди. Айтмоқчиманки, барча ўзига берилган ваколатдан ўринли фойдаланиши керак.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Гап шундаки, тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида киритилган тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш ўта муҳим вазифа экани ҳақида бир неча маротаба огоҳлантиришга қарамай, Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимномаларнинг ижроси ҳам айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан етарли назоратга олинмаган. Натижада бу тақдимномаларнинг ижроси ярим йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай таъминланмаган. Бунинг устига тақдимномалар ижроси юзасидан аниқ чоралар кўрилгани тўғрисида Адлия вазирлигига ахборотлар тақдим этилмаган. Хусусан, Хоразм ва Қашқадарё вилоятида 2002 йилда ўтказилган ўрганишлар юзасидан Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимномалар ижроси тўлиқ таъминланмагани ва сифатсиз маълумотлар тақдим этиб келаётгани сабабли бугунги кунга қадар вазирлик назоратидан олинмаган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай муросасозликка қачон чек қўйилади? Бунга вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари қандай тушунтириш берар экан? Адлия вазирлигидан вилоятларга борган гуруҳлари хўжакўрсинга ишлаб, 100-200 варақли тақдимномаларни бекорга ёзяптими? Ахир, биз бу текширишларни вазиятга ижобий таъсир қилиш, қонунларнинг ишлаб кетиши учун ўтказяпмиз. Тақдимномада кўрсатилган ҳар бир қонунбузарлик бўйича жавоб олиниши шарт.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, вилоятлардаги ҳақиқий аҳволни адлия бошқармаларидан кўра биз яхшироқ биламиз. Чунки марказий бошқарув ходимлари жойларга чиқиб, вилоят адлия бошқармаларининг аниқлаган камчиликларидан икки баравар кўп камчиликлар аниқлаб, тақдимномалар киритган. Яъни Адлия вазирлиги фақат 6 та вилоят бўйича ўрганишлар натижасида 117 мингдан ортиқ қонунбузарликлар аниқлаган бўлса, вилоят адлия бошқармалари томонидан ўрганишлар натижасида 67 мингта қонунбузарликлар аниқланган. Ўтган ҳайъат йиғилишида бошқарма бошлиқларига алоҳида шундай топшириқ берилган эди: Адлия вазирлиги томонидан охирги 3 йил давомида киритилган тақдимномаларни яна бир марта чуқур таҳлил қилиб чиқиш лозим эди. Бу топшириқ охирига етказилиши шарт. Бунда алоҳида йўналиш ва туманлар миқёсида асосий муаммоларни ажратиб, барча қонунбузар мансабдор шахсларнинг ҳисобини олиб бориш керак. Ана шунда қайси мансабдор шахс тўғри хулоса чиқариб, қонунни ҳурмат қилиб, унга амал қила бошлагани, қайси мансабдор шахс эса қонунни менсимасдан, яна қонунбузилишларга йўл қўяётгани яққол маълум бўлади. Бундай ҳолатни амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги қилинаётган саботаж деб ҳисоблаш лозим. Шу боис, уларга нисбатан таъсир чоралар ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Аввалги ҳайъат қарорларида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалари киритиш ҳамда уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш бўйича ишларни жонлантириш топширилган эди. Хусусан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ярим йил давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб судларга даъво аризалари киритиш орқали 2,2 миллиард сўм, Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 1 миллиард сўм, Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан эса 834,5 миллион сўм ундириб беришга эришилган. Бу кўрсаткич Республика бўйича киритилган даъво аризалар маблағи миқдорининг 75,2 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Айрим вилоят адлия бошқармалари эса ўта муҳим соҳалар ҳисобланган ҳокимлик, назорат қилувчи, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларни бартараф этишда муросасозликка берилиб, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни суд орқали ундиришда сусткашликка йўл қўймоқда. Жумладан, Андижон вилоятида ўтказилган ўрганишлар натижасида ҳокимлик идораларида 1271 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлса-да, бошқарма томонидан ҳокимлик идораларига нисбатан биронта ҳам даъво ариза киритилмаган. Жиззах вилоятида эса ўтказилган ўрганишлар натижасида ҳокимликлар идораларида 2355 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлса-да, вилоят адлия бошқармаси томонидан судга атиги биттагина даъво ариза киритилганини қандай баҳолаш мумкин? Бундай аҳвол Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ҳам мавжуд.

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан солиқ идоралари фаолиятида 528 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган, солиққа оид қонунбузарликлар тўғрисида 5 та ариза ва шикоятлар келиб тушганига қарамай солиқ идораларига нисбатан биронта ҳам даъво аризаси киритилмаган. Солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларга нисбатан даъво аризаларини киритишда қатъиятсизлик ҳолатлари Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари адлия бошқармалари фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Шунингдек, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ярим йил давомида фермер хўжаликлари манфаати ҳимоя қилиб, судларга атиги 6 та даъво аризаси киритилган. Ваҳоланки, ўтган йилги текшириш давомида ушбу вилоятда шартномавий муносабатлар бўйича 3000 га яқин қонунбузилиш ҳолати аниқланган эди. Бундан ташқари, Тошкент вилояти адлия бошқармасига шартнома интизомига амал қилинмаётгани юзасидан норози бўлиб тадбиркорлардан 96 та ариза ва шикоятлар тушганлигига қарамай, вилоят адлия бошқармаси фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб 6 та даъво ариза киритган, холос. Олдинги ҳайъат йиғилишида ҳам бу масалага тўхтаб ўтган эдик, лекин бундан бошқарма раҳбарлари тегишли хулоса чиқаришмаган кўринади.

Юқоридаги каби эътиборсизлик ва қатъиятсизлик Бухоро вилоят адлия бошқармаси фаолиятида ҳам учрайди. Айрим вилоятларда тадбиркорлар манфаатини ҳимоя этиб судларга киритилаётган даъво аризалари бўйича моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳолати кўнгилдагидек эмас. Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ярим йил давомида судларга 79 та даъво аризаси киритган бўлса-да, уларнинг бор-йўғи биттасида тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида масала қўйилган. Шунингдек, Навоий вилояти адлия бошқармаси ярим йил давомида судларга 669 та даъво аризаси киритган, лекин уларнинг бор-йўғи 9 тасида тадбиркорга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларни чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида гап боради. Бундай аҳволни Жиззах (24) ва Қашқадарё (27) вилоятларида ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари, шартнома муносабатлари бўйича Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарни айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириб бериш тўғрисида бирорта даъво аризаси киритилмаган. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси фақатгина битта даъво аризасида етказилган зарарни солиқ идорасининг мансабдор шахси чўнтагидан ундириш масаласини ҳал этган, холос. Ҳокимлик ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида бирорта ҳам даъво аризаси киритилмаган. Ваҳоланки, ўтган йилги текширишда ҳокимликлар томонидан мингдан ортиқ қонунбузарликлар, 2,5 мингдан ортиқ тадбиркорларни ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари аниқланган эди.

Айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан киритилган даъво аризаларини таҳлили шуни кўрсатяптики, бошлаган ишлар охиригача етказилмаяпти. Даъво аризаларини киритишда масалани охиригача ўрганмаслик ёки ишнинг якуни ва ижроси билан қизиқмаслик ҳолати мавжуд. Масалан, ҳисобот даврида Республикамиз бўйича 12 миллиард сўмлик 5289 та даъво аризаси судлар томонидан кўрилган бўлса-да, шундан 6,4 миллиард сўмлик 4954 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилган. Эътибор беринг, судлар томонидан даъво аризаларининг 93,6 фоизи қаноатлантирилган. Лекин даъво аризалари маблағининг атиги 53,3 фоизи қаноатлантирилган, холос. Бундан ташқари, 111,2 миллион сўмлик 70 та даъво аризаси рад этилган, 236,2 миллион сўмлик 186 та даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилган.

Бундай салбий ҳолатлар асосан Қашқадарё, Хоразм, Наманган, Сурхондарё вилоят адлия бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятида учрамоқда. Судлар томонидан 436 нафар мансабдор шахсларнинг чўнтагидан 151 миллион сўмлик маблағни тадбиркорларга ундириб бериш тўғрисида даъво аризалари кўрилган бўлса-да, атиги 267 нафар (61,2 фоизи) шахсдан 39,3 миллион сўмлик (26 фоизи) маблағ ундириш масаласини ҳал қилинган. Судлар томонидан 9,5 миллион сўмлик 56 та даъво аризаси рад қилинган ёки кўрилмасдан қолдирилган, лекин адлия бошқармалари бор-йўғи 1,1 миллион сўмлик 10 та даъво аризаси бўйича апелляция ва кассация тартибида шикоятлар киритган, холос.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Нима учун судлар томонидан даъво суммалари камайтириляпти ёки юқори судлар томонидан бекор қилиняпти?

Демак, даъво аризалари судларга асослантирилмасдан ёки етарли таҳлил қилинмасдан киритиляпти.

Айтмоқчиманки, адлия идоралари томонидан тайёрланган ҳар бир ҳужжат юридик жиҳатдан бенуқсон ва мукаммал бўлиши шарт. Бунинг учун адлия идораларида ходимлар юқори даражадаги малакага эга бўлиши, улар доимий равишда ўз устида ишлаши лозим. Шу ўринда баъзи судларнинг ҳам бу ўта муҳим масалаларга эътиборсизлик билан қараётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган ярим йил давомида адлия идоралари томонидан киритилган 2071 та даъво аризалари судларда кўриб чиқилмасдан қолдиқ бўлиб турибди. Уларнинг айримлари эса узоқ вақтлардан бери кўрилмасдан турибди. Масалан, Наманган вилояти, Косонсой туманидаги "Нам-Кон" хусусий фирмаси раҳбари Адлия вазирлигига жорий йилнинг 19 февралида 6.3 миллион сўм асосий қарз ва 4 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида мурожаат этган. Шунга асосан вилоят адлия бошқармаси Андижон туманлараро фуқаролик судига 6 март куни даъво аризаси киритган. Бироқ бу даъво ариза 4 ойдан зиёд вақт ўтишига қарамасдан судья А.Юсупов томонидан умуман кўриб чиқилмаган.

Яна бир мисол. Жиззах вилоятида туман ҳокимликлари томонидан киритилган ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари вилоят хўжалик суди томонидан бир қатор фермерларнинг иштирокисиз кўриб чиқилиб, 538 та фермернинг ер участкаси тортиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу ҳолни қандай тушуниш керак? Нега жавобгарнинг иштирокисиз иш ҳал бўлмоқда?

Хўжалик судлари томонидан фермерлар иштирокида кўрилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатяптики, ўтган йил давомида фермерларнинг зарарига ҳал қилинган ишлар сони фермерлар фойдасига ҳал қилинган ишлардан 5 баравар кўп экан. Умуман олганда, судлар тадбиркорларнинг қандай ҳимоя қиляпти? Адлия идоралари ва тадбиркорларни мурожаатларига муносабати қандай? Фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларидаги бу каби аҳволни вилоят адлия бошқармалари бир ой муддатда чуқур таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Айрим вилоят адлия бошқармаларида ҳисоботларни юритиш ва уларни тақдим этиш ҳанузгача қониқарсиз аҳволда. Ҳатто баъзи вилоят адлия бошқармаларидан айнан бир хил ҳисобот неча марта сўралса, шунча хил маълумот тақдим этилади. Бундай ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ҳолатлари Фарғона, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоят адлия бошқармалари фаолиятида учрайди. Шунинг учун ҳар бир ҳисобот ва ундаги маълумотлар учун бошқарма бошлиқлари шахсан жавобгар бўлади ва фақат уларнинг имзоси билан қабул қилиниши керак.

Албатта, бугунги кунда тадбиркорликка нисбатан муносабатни ўзгартиришнинг таъсирчан усулларидан бири – оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ишларни, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўлланилган чораларни жамоатчилик эътиборига етказишдир.

Айниқса, суд жараёнларининг доимий равишда Республика ва маҳаллий телевидение орқали намойиш этилиши жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиб, давлат хизматчиларининг интизомини оширяпти. Масалан, Қибрай туманида жойлашган "Интер Роҳат" қўшма корхонасининг даромад солиғидан 2 йил давомида озод қилиш ҳақидаги аризаси туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ноқонуний рад этилгани ва натижада ундан 3,9 миллион сум даромад солиқи ундирилгани аниқланиб, бу "Ахборот" дастурида намойиш қилинди. Бу ҳолат бўйича адлия бошқармасининг талаби билан туман солиқ инспекцияси шўъба мудири К.Отажонов лавозимидан озод этилган ва қўшма корхонага ортиқча ундирилган солиқ қайтариб берилди. Бундан ташқари, ўтган ярим йилда жамоатчиликка ошкор бўлишдан қўрққан шахслар 207 та даъво аризаси бўйича қарийб 12,3 миллион сўм маблағни судгача тадбиркорларга тўлашди ва иш келишув битими тузиш билан якунланди.

Мақсадимиз қонунбузилишга йўл қўйган ҳар қандай шахс муқаррар жавобгарликка тортилишини кўрсатиш орқали одамларнинг қонун кучига бўлган ишончини оширишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз ўзлаштириш тадбиркорлик субъектларига нисбатан зўравонлик ва улар фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашиш деб баҳоланган эди. Ўрганишлар жараёни шуни кўрсатяптики, жойларда ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг розилигисиз маблағини жалб этиш ҳолатлари ҳанузгача давом этмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликлар асосан Бухоро, Жиззах, Навоий ва Наманган вилоятларида кўпроқ содир этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадбиркорларнинг маблағини олиб қўйиш энг ашаддий қонунбузарлик ҳисобланиб, айбдор ҳокимлик ходимлари сўзсиз жавобгарликка тортилиши керак. Бу борада муросасозликка йўл қўйиб бўлмайди. Чунки мамлакатимизда хусусий мулк дахлсиз ва муқаддас, унга нисбатан тажовуз қилиш жиноят ҳисобланади. Шунинг учун бугун ҳар бир тадбиркорнинг шунга ишончи комил бўлиши кераккки, у бир сўм топдими, демак, уни биров тортиб олмайди. Шунингдек, бу борадаги тарғибот ишларимиз таъсир қилмаса, қонун санкцияларини қўллаш зарур. Чунки қонунларни оёқости қилаётган мансабдор шахслар жазога тортилиши шарт.

Шу йўналишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш керак. Гап шундаки, ҳанузгача баъзи туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа назорат қилувчи идоралар мансабдор шахслари томонидан тадбиркорларни менсимаслик, уларнинг фаолиятига турли усуллар билан тазйиқ ўтказиб, зўравонлик қилиш ҳолатлари учрайди. Масалан, Фарғона вилояти адлия бошқармасига 2003 йил 9 январ куни Бағдод тумани "Соҳидаобод" фермер хўжалиги бошлиғи А.Абдусатторов ҳамда "Маҳмуджон" фермер хўжалиги бошлиғи М.Маматқуловлар томонидан уларни Боғдод туман ҳокими Ш.Солижоновнинг кўрсатмаси билан ноқонуний қамаб қўйилганлиги тўғрисида ариза келиб тушган. Маълум бўлишича, "Маҳмуджон" фермер хўжалиги раҳбари Г.Маматқулов ва унинг ўғли Р.Маматқуловни 2002 йил 7 май куни, шунингдек, октябр ойининг бошларида "Соҳидаобод" фермер хўжалиги раҳбари А.Абдусатторов, "Турсунбой Ю" фермер хўжалиги раҳбари Э.Юнусов, "Олчин МММ" фермер хўжалиги раҳбари А.Абдусатторов, "Турсунбой Ю" фермер хўжалиги раҳбари Э.Юнусов, "Олчин МММ" фермер хўжалиги иш юритувчиси К.Тешаев, "Алибобо" фермер хўжалиги раҳбари И.Умаровни 2002 йил сентябр ойининг охирги 10 кунлигида пахта режасини белгиланган муддатда бажара олмагани сабабли Бағдод туман ҳокими Ш.Солижоновнинг топшириғига асосан Боғдод туман ИИБ ходимлари томонидан асоссиз равишда туман ички ишлар бўлимига олиб борилиб, ушланганларни сақлаш хонасида соат 22 дан 03 га қадар ушлаб турилган. Бу ҳолат юзасидан 2003 йил 13 май куни Жиноят Кодексининг 206-моддаси 2-қисми "В" банди билан жиноят иши қўзғатилган. Ахир, бу фавқулодда ҳолат эмас-ми? Нима учун Фарғона вилоят адлия бошқармаси бу ҳақда "махсус хабар" бермади? Аниқланган қонунбузилишлар бўйича шундай қатъий чора кўришимиз керакки, бундай ҳаракат иккинчи марта такрорланмаслиги зарур. Ана шундагина вазиятга таъсир қила оламиз. Бугунги кунда тадбиркорлар рўйхатдан ўтгандан кейин ҳам турли тўсиқларга дуч келаётгани сир эмас. Айниқса, лицензия олиш, ер ажратиш, кредит олиш, архитектура ва бошқа идоралардан рухсат олиш, газ, электр энергия ва сув тармоқларига уланишда тадбиркорлар кўп вақт ҳамда маблағ сарфлашга мажбур бўлишмоқда. Рўйхатга олингандан кейин тадбиркорларнинг ўз фаолиятини бошлаши жараёни ўрганиб чиқилганда, Республика бўйича жами 4672 та қонунбузилиш, шундан 2587 таси ер ажратиш, 484 таси коммуникация тизимларига уланиш ва 1601 таси турли рухсатномалар бериш жараёнида содир этилгани аниқланди. Масалан, Жиззах вилоятида газ тармоқларига уланиш учун 10 тадан ортиқ идора раҳбарларига учрашишга тўғри келади. Газга уланувчиларнинг ҳар биридан фақат техник шартларни бериш учун 12 минг сўмдан маблағ олинар экан. Бу камчиликларни ҳам вилоят даражасида ҳал қилиш ва қонунбузарликларни бартараф этиш имконияти мавжуд.

Ашаддий қонунбузилишлардан яна бири тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишлар масаласидир. Албатта, ноқонуний текширишларни олдини олишга қаратилган кескин чоралардан сўнг бу борада аҳвол жиддий ўзгарди. Лекин ўтган 6 ойда жойлардаги ўрганишлар ноқонуний текширишлар ҳалигача мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай ноқонуний текширишлар асосан Жиззах ва Навоий вилоятларида кўпроқ содир этилган.

Ариза ва ўрганишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, баъзи тадбиркорлар бугунги кунда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ва "Ўзстандарт" ташкилотларининг фаолиятидан ҳам норози бўляпти. Мазкур идоралар ходимлари томонидан турли хил баҳоналар билан тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текшириш ва номутаносиб равишда молиявий жарималарга тортиш, корхоналар фаолиятини узоқ муддатларга тўхтатиб қўйиш каби қонунбузарликлар содир этилмоқда. Масалан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари мониторинг ўтказиш баҳонасида Бекобод туманидаги "Гавҳархон" хусусий фирмасида текшириш ўтказган ва ишлаб чиқариш санаси (йили) кўрсатилмаган 1 дона 1 литрли ҳажмдаги ўсимлик ёғини сотгани учун корхонага энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдорида молиявий жарима жазоси қўллаган. Маҳсулот этикеткасида ишлаб чиқарилган ойи кўрсатилиб, йили кўрсатилмагани сабабли эндигина 4 ой фаолият кўрсатган фирмага 2 миллион 720 минг сўм миқдорда жарима қўлланилган. Ишни кўриб чиқиш давомида хусусий фирма томонидан маҳсулот 2003 йилда ишлаб чиқарилгани ва шу йили сотиб олингани, сифат муддатларини ўтмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгани, лекин бу ҳужжатлар текширувчи томонидан инобатга олинмагани аниқланди. Натижада ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда тайинланган жазонинг содир этилган қилмишга мувофиқлигига эътибор қаратилмаган ҳамда тадбиркор асоссиз молиявий жаримага тортилган. Ваҳоланки, маҳсулот ёрлиғида ишлаб чиқариш санаси (йили) кўрсатилмагани ишлаб чиқарувчи корхона айби натижасида содир бўлган. Тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширган мансабдор шахс муқаррар жавобгарликка тортилиши шарт. Ўтган ҳайъат йиғилишида бу масала юзасидан аниқ топшириқ берилган эди. Бу топшириқ доимий равишда Адлия вазирлигининг назоратида туради. Биринчи навбатда, ноқонуний текшириш ўтказган шахс, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, давлат хизматчиси деган номга доғ туширгани учун жазога тортилиши керак. Бундан ташқари, ноқонуний текширишларни олдини олишга қаратилган "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби" билан тадбиркорларни мунтазам равишда таъминлаб боришни йўлга қўйиш керак. Бунинг учун ҳокимликлар қошидаги тадбиркорларни рўйхатга олиш бўлимлари билан ҳамкорликда ишлаб, барча янги ташкил топган тадбиркорларни мазкур Китоб билан таъминлаб бориш шахсан бошқарма бошлиқлари зиммасига юклатилади.

Шунингдек, "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"нинг таъсир кучини ошириш мақсадида изчил равишда Китоб бўйича мониторинг ишларини олиб бориш ҳамда аниқланган ҳар бир қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан Адлия вазирлигига махсус хабар бериш лозим. Бу тадбирлар моҳият-эътибори тадбиркорларнинг қонунда кафолатлаб қўйилган ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Назорат қилувчи идоралар ходимлари ишига баҳо беришда ҳали-ҳануз "тадбиркор фаолиятидан, албатта, қандай бўлмасин камчилик топиши шарт" деган эски ақидадан ҳалигача қутула олинмаяпти. Бу ҳолат эса текширувчи ходимларни "тирноқ остидан кир қидириш"га ундайди ва тадбиркорларни қийин аҳволга солиб қўяди. Кўп ҳолларда текширувчилар тадбиркор йўл қўйган камчиликнинг хусусияти ва айбдорлик даражасидан қатъи назар, негадир оғирроқ жазони қўллаш шарт, деб ҳисоблашади. Баъзан битта ходимнинг қарорига асосан корхоналар ёпилиб, уларнинг фаолиятини узоқ муддатга тўхтатиш, ўнлаб одамларнинг ишсиз қолиш ҳолатлари учрамоқда. Табиийки, бу даврда бюджетга ҳам солиқ тушмайди. Бироқ бундай салбий оқибатларга айрим назорат қилувчи идоралар ходимлари бефарқ қарайди. Шунинг учун ушбу ваколатларни молия ва иқтисод масалаларини тушунадиган, фойда ва зарарни ҳисоблай оладиган идорага юклатиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда тадбиркорларни текшириш ваколатларини фақат солиқ идораларида қолдириш масаласини муҳокама қилиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, шартномаларнинг ижроси, айниқса, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, улар билан етказиб берган маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши қониқарсиз аҳволда. Тайёрлов корхоналари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома шартлари мунтазам равишда бузиб келиниб, уларнинг моддий манфаатларига путур етказилмоқда. Биргина "Ўзбекипаги" уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг 2002 йилда тайёрланган пилла учун хўжаликлардан кредиторлик қарзлар 266 миллион сўмни ташкил этади. Маҳсулоти учун тегишли ҳақини ололмасдан келган деҳқон ёки фермернинг шартномага, мажбуриятни бажаришдан манфаатдорликка бўлган ишончига путур етмайдими?

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, жумладан, "МТП", агрокимё, нефт маҳсулотлари корхоналари ўзларининг монопол ҳуқуқларидан фойдаланиб, шартномаларни бир томонлама, яъни ўз манфаатларини кўзлаб тузиш ҳамда фермерлар билан тузилган шартномавий мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслик ҳолатлари учраётганлигига гувоҳ бўляпмиз.

Шунинг учун адлия идоралари бу масалага жиддий эътибор қаратиши ва тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиши керак. Лекин контрактация ва хизмат кўрсатиш шартномалари юзасидан киритилган даъво аризаларининг таҳлили ҳам айрим адлия бошқармаларида бу борадаги ишларнинг қониқарсиз аҳволда эканини кўрсатади. Жумладан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан биронта фермер хўжалиги манфаатини ҳимоя қилиб хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан даъво аризалари киритилмаган. Ваҳоланки, ўтган йил Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Хоразм вилоятида ўтказилган ўрганишлар натижасида хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг шартнома интизомига риоя этилиши аҳволи қониқарсиз даражада экани аниқланган эди.

Бухоро вилоятида ўтказилган ўрганишларда шартномалар, шунингдек, контрактация шартномалари ижросига боғлиқ 2809 та ҳолатда мажбуриятлар бажарилмаётгани аниқланган бўлса-да, Бухоро вилояти адлия бошқармаси контрактация шартномаси бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, атиги 13 та даъво аризаси киритган. Бундай аҳвол Навоий (4 та), Тошкент (5 та), Хоразм (6 та), Қашқадарё (13 та) вилоятларида ҳам мавжуд. Бундан ташқари шартномавий муносабатларга маҳаллий идораларнинг аралашуви оқибатида фермерлар фаолиятида бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан, туман ҳокимликлари томонидан ер шароитлари бир хил бўлса-да, ширкат хўжаликларига нисбатан фермерларга ҳосилдорлик юқори даражада белгиланмоқда. Моддий ресурсларни тақсимотида ҳам уларнинг ҳуқуқи чеклаб қўйилмоқда. Натижада фермерларнинг шартномавий режаларини ижросини таъминлай олмаслик ҳамда ўзларига қолдирилиши лозим бўлган ғаллани етиштира олмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, фермерларни маблағ билан таъминлаш, айниқса, уларга бўнак тўловларини бериш жараёнида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига бўнак тўловлари транш орқали ўз вақтида етиб бормаяпти. Транш маблағларини беришда фермерларнинг эҳтиёжи тўлатўкис ҳисобга олинмаяпти. Аксарият ҳолларда, фермер хўжаликлари учун бошқа йўналишлар бўйича маблағлар зарур бўлганда, транш орқали умуман бошқа мақсадларга бўнак йўналтирилади. Бу эса бир томондан маблағларнинг бўш айланишига сабаб бўлса, иккинчи томондан айнан зарур вақтда фермер хизмат ёки моддий-техника ресурсини олиш учун маблағсиз қолиб кетишига олиб келмоқда. Баъзан фермерларнинг розилигисиз уларга тегишли транш маблағлари банклар томонидан кўрсатилмаган хизмат ва етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари учун хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналарига ўтказиб юборилган. *Масалан, Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 48 та фермер хўжаликларига техник хизматлар олишга зарурат бўлмаган вақтда, техника хизматлари учун 2,7 миллион сўм юборилган. Ушбу пул маблағлари жадвал бўйича кўр-кўрона юборилганлиги сабабли туман "МТП"га, техника хизмати учун зарурат бўлмаса-да, ўтказилиб берилган ва натижада ойлаб фермерларнинг маблағларидан "МТП" асоссиз фойдаланиб келган.*

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз адлия идоралари олдига шартномаларни сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтириш вазифасини қўйди. Биз барча имкониятларимизни шартнома тузаётган томонларнинг ҳуқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаб қўйиш масаласини ўрганиш ҳамда ноқонуний тузилган шартномаларни қонун талабларига мослаштирган ҳолда қайта туздиришга қаратишимиз лозим. Бу адлия идораларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Адлия идоралари "Пахтасаноат", "Донмаҳсулот", "Ўзбек ипаги", "Нефт маҳсулотлари", "Қишлоқхўжаликкимё" ва "Агромашсервис" корхоналари устидан назоратни тубдан ўзгартириши лозим. Агар улар шартномаларга нисбатан муносабатини ўзгартирса, ҳамма иш жойига тушади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг шартномалар бўйича мажбуриятларни бажармагани учун уларни жавобгарликка тортишнинг қонунийлигини ўрганиш, бунда оила пудратчини хўжаликлар томонидан асоссиз жавобгарликка тортилишига йўл қўймаслик, суд орқали уларнинг ҳуқуқларини тиклаш талаб қилинади. Шунингдек, хўжалик судлари билан ҳамкорликда фермерларнинг шартномаларни бажармагани учун уларга жарима санкцияларини қўллаш амалиётини ўрганиб чиқиш керак. Кўп ҳолларда оила пудратчилари ва фермерларнинг шартнома мажбуриятларини хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналарнинг айби билан бажара олмагани ҳолати учрайди. Зарур вақтда ва етарли миқдорда минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминламаслик ёки "МТП"лар томонидан хизмат кўрсатмаслик, сув таъминотининг етарли даражада бўлмаслиги фермер ва оила пудратчиларини шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслигига сабаб бўлмоқда. Табиийки, бундай ҳолатда фермер ёки оила пудратчиси жавобгар бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномавий муносабатларни тартибга солишда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан ҳамкорликда шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таҳлил қилиб бориш лозим.

Олдинги ҳайъат йиғилишида барча адлия бошқармаларига ташкил этилган намунавий хўжаликлардаги ишларни кучайтириш, шунингдек, бу тажрибани бошқа хўжаликлар миқиёсида ҳам амалга ошириш бўйича алоҳида топшириқ берилган эди. Лекин жойларга чиқиб ўрганишлар натижаси шуни кўрсатяптики, айрим адлия бошқармалари томонидан бу вазифага масъулият билан ёндашилмаган. Хусусан, Жиззах вилоятида намунавий деб ҳисобланган Бахмал туманидаги "Қатортол" ширкат хўжалиги 2002 йилни 52 миллион сўм зарар билан якунлаган. Бунинг оқибатида ҳозирги кунгача хўжаликнинг пай аъзоларига дивидент тўланмаган. Ана шундай камчиликларни Сирдарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари адлия бошқармаларининг фаолиятида ҳам учрайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан адлия идораларига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси юклатилди. Бу вазифани амалга ошириш учун ҳукумат қарори билан адлия идораларига барча зарур ҳуқуқлар берилган. Жумладан, жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишларни ўрганиш, бу тоифадаги ишлар бўйича хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келган суриштирув, тергов ва суд ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича тегишли идораларга таклифлар киритиш, вазирликлар, идоралар ва назорат идоралари раҳбарларига қонунбузилишлари ва унга олиб келувчи шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, давлат ҳокимияти идоралари ва назорат қилувчи идораларнинг ноқонуний ҳаракатлари ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини мутасаддилар олдига қўйиш ва бошқа ваколатлар берилган. Адлия идораларининг хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлашга доир қарорлари бажарилиши барча давлат ҳокимияти идоралари учун мажбурийдир.

Биз бу ваколатлардан унумли фойдаланишимиз лозим. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш адлия идораларининг биринчи навбатдаги вазифаси этиб белгиланади. Адлия идораларига келиб тушаётган ҳар бир мурожаат алоҳида назоратга олиниб, уларнинг атрофлича ўрганилиши ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқи бузилган ҳар бир ҳолат бўйича уларни бартараф этиш юзасидан сўзсиз аниқ чоралар кўрилиши шарт.

Вазирликнинг шу йил 14 майдаги топшириқ хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига 2002 йил ва 2003 йилнинг 5 ойида хорижий инвесторлар ва инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ходимларига нисбатан кўрилган барча жиноят ишлари материалларини ўрганиб, ҳар бири юзасидан алоҳида хулосаларни вазирликка тақдим қилиш топширилган эди. Ушбу топшириққа асосан Республика бўйича судларда кўрилган 61 та жиноят ишидан (162 нафар шахсга нисбатан) 49 та жиноят иши ўрганиб чиқилиб, хулоса берилган. Лекин тақдим этилган хулосалар таҳлил қилинганда, барча хулосалар юзаки тузилгани, судларда кўрилган барча жиноят ишлари тўлиқ ўрганилмагани, хулосалар асосан суд ҳукмларида кўрсатилган ҳолатларни қайд этиш билан чекланилгани аниқланди. Берилган барча хулосаларда судларнинг қарорлари асосли деб топилган. Масалан, Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан "Ж-М" Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасининг таъсисчиси М.Ариповага нисбатан жиноят ишлар бўйича Бухоро вилоят судининг ҳукми бўйича берилган хулосада ҳукм асосли деб берилган бўлса-да, вазирликнинг қўшимча топшириғига кўра қайта ўрганилганда ушбу жиноят иши бўйича ҳукм М.Ариповага нисбатан асоссиз чиқарилгани аниқланди ва вазирликнинг аралашувидан сўнг қайта хулоса тайёрланиб, уни бекор қилиш бўйича судга таклиф тайёрланди.

Вазирлик томонидан хорижий инвесторлар фаолиятида юзага келаётган муаммолар артофлича ўрганиб чиқилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун етарли қонунчилик базаси яратилган. Лекин шунга қарамай баъзан амалиётда қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва кафолатларни солиқ, божхона ва бошқа молиявий идоралар томонидан нотўғри талқин қилиш ва уларнинг ҳуқуқини бузиш ҳолатлари учрамоқда. Хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Амалиётда Давлат Мулк қўмитаси идоралари томонидан хусусийлаштириш объектларни қайта баҳолаш, хусусийлаштириш ҳужжатларини бир томонлама бекор қилиш, хусусийлаштирилган корхоналарда давлат улушларини сунъий равишда ошириш ҳоллари учрамоқда. Ушбу ҳолат хорижий инвесторларнинг хусусийлаштириш жараёнига фаол қатнашишига тўсқинлик қилмоқда. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини бузилишига олиб келаётган муаммолардан яна бири ҳанузгача давлат бошқарув идоралари томонидан уларнинг фаолиятларига маъмурий аралашиш ҳолатларининг мавжудлигидир. Мансабдор шахслар томонидан қонунчиликни ўзларича талқин қилиш, рухсатномалар беришда таъмагирлик мақсадида турли тўсиқ ва ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, асоссиз аралашувлар натижасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етазиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Сўнгги пайтларда мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этилиши ошириб борилаётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, 2002 йилнинг ушбу даврига жами 70 та хорижий инвестициялар корхоналари рўйхатдан ўтган бўлса, 2003 йилнинг ушбу даврига келиб уларнинг сони 118 тага ортган. Албатта, инвестицияларни кириб келишини кўпайтириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун жуда муҳим ҳисобланади. Шунинг учун бу борада адлия идоралари қаттиқ назорат ташкил этиши зарур. Кези келганда яна бир муҳим масалага эътибор қаратиш лозим, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан иқтисодий соҳадаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар яратиляпти. Хусусан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналиши сифатида фермерликни янада ривожлантириш, унинг ерга бўлган муносабатини ўзгартириш белгиланди. Фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан хусусий корхонага тенглаштирилиб, унга ер участкаларини мерос тарикасида қолдириш ҳуқуқи берилди. Шартномаларни рўйхатдан ўтказувчи инспекция фаолияти тугатилиб, унинг ваколати туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига ўтказилди. Жорий йилнинг 24 январида Президентимизнинг махсус Фармони қабул қилиниб, хусусий секторни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувни ривожлантириш бўйича зарур чоралар белгиланди. Савдо корхоналари енгиллаштирилган солиқ тизимига ўтказилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар солиқлардан озод қилинди. Хориждан товарларни олиб келиш ва чиқариш бўйича мавжуд чекловлар олиб ташланди ва миллий валютани тўлиқ конвертацияланишини таъминлаш бўйича аниқ чоралар кўрилаяпти.

Албатта, қонунчиликдаги ўзгаришлар тадбиркорларга янада яхшироқ шароит яратиб беради. Адлия идораларининг эса асосий вазифаси қонунларнинг тўла ишлашини таъминлашдир. Ўтган ярим йил давомида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментига Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан муҳим вазифалар юклатилди. Яъни давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкларни сотиш ва ҳисобини олиб бориш ҳамда муддатида тўланмаган солиқларни ундириш бўйича суд қарорларини ижросини таъминлаш ана шу вазифалар сирасига киради. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, бу соҳадаги ваколатлар суд ижрочиларига олиб берилгач, аҳвол кескин даражада яхшиланган. Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ундирувнинг салмоғи ўтган йилларга қараганда анча ошди. Адлия вазирининг махсус буйруғи билан автотранспорт воситаларини "кимошди" савдоси орқали сотиш тартиби тасдиқлангач, бир қатор суиистеъмолчилик ҳолатлари олди олинди. Лекин бу борада ҳали бир қатор камчилик ва муаммолар бор. Хусусан, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаларида бо-қиманда қарзларни ундириш суст бормоқда. Баъзан хўжалик судлари қарорларининг ижроси йиллаб таъминланмайди. Ундирувчилар сарсон бўлади. Бундай аҳвол билан табиийки, ҳеч қачон келишиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Адлия вазирининг буйруғида белгиланган барча талаблар суд ижрочилари томонидан тўла бажарилиши лозим. Айниқса, мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларни тўғри тақсимлашга алоҳида эътибор қаратилиши ва турли ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳамда суиистеъмолчиликларнинг олди олиниши керак.

Адлия идоралари ходимларининг сони чекланганлигидан келиб чиқиб, мавжуд ваколатлардан, ходимлар имкониятидан оқилона фойдалана билиш катта аҳамиятга эга. Зиммамизга юклатилган топшириқларни ижросини таъминлаш учун вилоят ҳокимликлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, уларнинг имкониятидан унумли фойдаланиш керак. Фақат шундагина кўзлаган ишларимиз ўзининг тўла самарасини беради.

Ma'naviy saboqlar

# БОР БЎЛ, ЭЗГУЛИККА БАХШИДА ҲАЁТ!

***Саиджаббор аканинг ҳовлиси ёнида болалар уйи жойлашган эди. У ҳар куни болалар уйининг олдидан ўтар экан катта йўлга интиқлик билан тикилиб турадиган мовий кўзли, сап-сариқ, 5-6 ёшлар чамаси болакайга кўзи тушар эди. Бу ҳол кўп такрорланадиган, Саиджаббор ака унга туршак, қанд, олма сингари бирор егулик берадиган, ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлди.***

***Бора-бора бола Саиджаббор аканинг йўлини пойлашни одат қилди. Улар ўртасидаги яқинлик шу тариқа тобора қуюқлашиб борди.***

Бир куни Саиджаббор ака ўйлаб юрган қарорини болалар уйининг раҳбарига айтди.

— У боланинг исми Саша, — деди унинг гапини эшитган директор, — унинг ота-онаси ажрашиб кетган. Онаси болани шу ерга топшириб, ўзи кейинги эри билан узоқ юртларга кўчиб кетган. Энг ёмони, бола буйрак касаллигига учраган. У бир умр ногиронликка маҳкум бўлгани учун ҳам онаси воз кечган. Биз ҳам уни ногирон болалар интернатига ўтказиш учун ҳужжат тайёрлаяпмиз. Фарзандликка оламан десангиз, соғлом болаларимиз ҳам кўп.

— Йўқ, менга худди шу Саша керак...

— Одамлар соғлом болаларни қайта-қайта текшириб олишяпти-ю, сиз бўлсангиз туғма касалманд болага ёпишасиз. Нима, бир умр у билан шифохоналарнинг остонасига бош уриб яшамоқчимисиз?..

— Бу ёғи менга ҳавола. Хўп десангиз, бўлди.

Саиджаббор аканинг таклифи хотини Анора опага ҳам маъқул тушди.

Шундай қилиб, куз кунларининг бирида Мусаевлар хонадонида иккала исми баробар айтиладиган Саша — Сирожиддин деган кўм-кўк кўзлари киртайган, сўлғин юзли, озғин яна бир бола пайдо бўлди. Боланинг соғлиги яхши эмас эди. Шифокорлар уни обдон текшириб, зудлик билан буйракларининг биттасини алмаштириш кераклигини таъкидлашди.

Шундан сўнг Анора опа эрига болага ўзининг буйрагини кўчириб ўтказишга рози эканини айтди.

— Бу сен ўйлаганчалик осон иш эмас, онаси. Қон таркиби текширилади, кейин инплантант топишади.

— Мен энди у ёғини билмадим-у, — деди жонсараклик билан Анора опа, — лекин боламга бегонанинг буйрагини қўйдирмайман. Эртагаёқ ўша шифохонага бораман...

Бирор марта эрининг юзига тик боқмаган хотинининг ҳозирги важоҳатини кўриб, Саиджаббор ака нима дейишини билмай қолди.

Норасиданинг бахтими, онаизорнинг сидқидилдан қилган ижобатлари туфайлими ёки тасодифми — ҳаркалай, тест текширишлари она-бола таналарида мослик борлигини кўрсатди.

Қайта-қайта текширишлар ҳам бир хил натижа бергач, бош шифокор Анора опани ҳузурига таклиф қилди.

— Узр, синглим, — деди бош шифокор Анора опага юзланиб, — суриштирсам, 11 нафар фарзандингиз бор экан. Бунинг устига буйрагингизни беморга кўчириб ўтказсак, яримжон бўлиб қоласиз-ку, ахир. Яширадиган жойи йўқ — ҳамма операциялар ҳам муваффақиятли чиқавермайди...

— Аввало, Саша бемор эмас, менинг болам бўлади. Иккинчидан, боламнинг ҳаёти учун буйрагим битта бўлса ҳам берардим, — дея гапида давом этди она, — бахтимни қаранг-ки, бу ордона менда иккита экан. Ҳеч ўйланманг, дўхтир, ҳаммаси яхши бўлади.

Операциядан сўнг чамаси бир ҳафта ўтгач, энди ўзига келган Саша-Сирожиддин Анора опага, онажон деб мурожаат этди. Кўзларидан севинч ёшлари шашқатор қуйилаётган она-бола узоқ вақт бир-бирларини бағрларидан бўшатишмади.

Орадан йиллар ўтиб, Саша-Сирожиддин тиббиёт институтига ўқишга кирди. У ҳозирда сунъий буйрак яратиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқда. Унинг бу эзгу ниятлари, албатта, амалга ошишини истаб қоламиз.

* * *

Муяссар эри билан аввал бошданоқ чиқишолмади. Содиқжон оғир табиат, содда йигит бўлгани учун бўлар-бўлмасга хотини билан жанжаллашмаслик учун кўп нарсани кўриб-кўрмаганга олиб қўяқоларди. Лекин Муяссар "ишхонада бусиз иложи йўқ", деб уйга ичиб келавергач, бунга чек қўйишни сўради. Бироқ Муяссар ҳеч гапга қулоқ солмади. Олти йиллик турмуш шундай машмашалар билан ўтди. Кунлардан бирида Содиқжон автоҳалокат қурбони бўлди.

Шундан сўнг унинг уйи маишатхонага айланди. Бир йилнинг ичида уч марта уйни алмаштиришга тўғри келди. Ҳаммаси ҳам майли-ю бу йил мактабга борадиган Нуриддин — "Нурик"ка қийин бўлди. Чунки маст-аласт онасининг улфатлари гоҳ уни ашула айтишга, гоҳ рақс тушишга, гоҳ яна аллабалолар бўлишга мажбур қилишар эди.

Шу орада дугоналари Муяссарга "мос" бойвачча эр топишди.

У Муяссарга "болани йўқотсанг, уйланаман", деб шарт қўйди.

— Отасига ўхшаган бу дардисардан ўзим ҳам қандай қилиб қутулишни билмаяпман, — деди Муяссар бир сафар улфатлар зиёфатида.

— Болалар уйи нимага очиб қўйилган, тасаддуқ, — деди меҳмонлардан бири.

Бу гап бир фикрга келолмай юрган Муяссарга ёғдай ёқиб тушди. Эртасига ўғлини бошлаб тўғри болалар уйи директори ҳузурига кирди.

— Яшаш шароитим жуда оғирлашиб кетди, — деди Муяссар ўзини хокисор одамлардек тутиб, — боламни боқолмаганим учун сизларга топширмоқчиман, опажон. Ёрдам берсангиз, қуруқ қўймайман.

— Ўйлаб кўрдингизми? — деди вазминлик билан директор. — Кейин болага зор бўлиб юрманг, тағин. Битта бола оғирлик қилаяптими?

— Директормисиз, далолмисиз? — деди важоҳат билан Муяссар, — болалар уйи бўлгандан кейин оласиз-да. "Ади-бади"га вақтим йўқ.

Директор бундай вазиятга кўп марта дуч келгани учунми, пинагини бузмай қаршисидаги аёлга синчиклаб тикилди.

— Оилавий шароитми сабаб ё бошқа томони ҳам борми? — деди директор. — Ёшлик ҳам ўтиб кетади, қариганда фарзанд керак бўлади.

— Керак бўлмайди, — дея кескин ўрнида турди Муяссар. — Итдан бўлган қурбонликка ярамайди, билдингизми? Раҳматлик отасига ўхшайди, демак, одам бўлмайди.

— Мен шу ерда қоламан, — деди шу вақтгача индамай турган Нуриддин ерга қараганча, — энди уйга бормайман!

— Болани гапиришга мажбур қилдингиз-а, — деди Муяссар, — кўнглини ўкситмай олиб қолаверинг-да, жуда бағритош одам экансиз.

— Бағритош деб сендақаларни айтади. Кайф-сафо деб боладан кечадиган сендақа такасалтангларнинг кўпини кўрдим. Сочи оқарганда йиғлаб келганларни ҳам кўрдим. Сендақаларга бола увол. Болани энди биз тарбия қиламиз.

Шу тариқа Нуриддин болалар уйи тарбияланувчиси бўлиб қолди.

Вақт ҳамма нарсага ҳакам дейдилар. Орадан саккиз йил ўтди. Бу орада Муяссар 4 марта турмушга чиқиб, тўрт марта ажрашди. Энг ёмони, фарзанд кўрмади. Тинимсиз ичилган ароқ, чекиш, зиёфатлар уни эрта сочини оқартириб, қаримсиқ қиёфага солиб қўйди. Энди уни ҳеч ким йўқламас, ҳолидан хабар оладиган на дўсти, на қариндоши бор эди. Бир куни юраги оғригач, тўсатдан ваҳимага тушиб қолди. Агар у бир ўзи уйда ўлиб қолса, ким уни кўмади ахир? Умуман, ҳеч ким излаб келмаса-чи, ўлганини ҳеч ким билмаса-чи, унда нима бўлади?

Муяссар ўйлай-ўйлай, охири болалар уйига маъюс ҳолда кириб келди. Саккиз йилда бу ерлар таниб бўлмас даражада чирой очибди. Бу қаср ундан хазар қилаётгандай туюлди.

Ўғли онасининг аҳволини кўриб, шундай деди: — Сиз мендан кечган бўлсангиз ҳам мен сиздан кечмайман. Секин-аста она дейишга ҳам ўрганаман. Бағри ярим одам ҳеч бўлмаса биттага камаяди-ку?!. Саккиз йилдан бери ҳар тун мижжа қоқолмай суратингизни бағримга босиб, йиғлаб чиққанман. Ота-оналари билишмайди, болалар уйидагилар ҳаммаси шундай қилишади. Биз болаларимизни етим қилмаймиз деб қасам ичганмиз. Кўнглингиз ўксимасин, мактабни битиришим билан бирга яшаймиз. Мен ишлаб, сизни боқаман.

Муяссар ўғлидан бундай меҳр-мурувватни кутмагани учун тили сўзга келмади. Шундагина у, дунё ҳам, замон ҳам, янги давр болалари ҳам ўзгарганини ҳис этди ва бесамар йўқотилган йиллар армонига ғарқ бўлди.

Ўзига келгач лаблари беихтиёр пичирлади:

— Ўғлим, сен бугун менга шундай бир сабоқ бердингки, агар менда фарзандлик қарзи қолган бўлса, ундан энди бутунлай қутилдинг. Сен мени қарз қилиб қўйдинг. Мен ҳали ҳаётда яшаб юрибман десам, йўқ аслида ўлиб кетган эканман-у, сени меҳриҳг мени яна тирилтирди. Сен мактабни битиргунингча шу юртга ҳалол хизмат қилиб, сенга муносиб она бўлишга бутун борлиғимни бағишлайман. Унгача мендай бадбахт онанг учун соғ-омон бўл, болам!

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ajab savdolar

# "ИХТИРО" ЭТИЛГАН БУЙРУҚ

***Сариосиё туманидаги "Шарғун" кўмир кони шўъба корхонасининг бир гуруҳ ходимлари мутасадди идораларга корхонадаги мавжуд қонунбузарликлар ҳақида шикоят хати ёзишди. Шундан сўнг шикоят хати асосида вилоят прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти томонидан режа бўйича корхонада текшириш ўтказилди. Шу йилнинг 26 апрел куни вилоятда нашр этиладиган "Адолат тарозиси" газетасида Сурхондарё вилояти прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти бўлим бошлиғи А.Абдумўминов ва бошқарма бош тафтишчиси Б.Жумаевнинг "Аччиқ ҳақиқат" сарлавҳали мақоласи чоп этилди.***

Унда Департамент ходимлари томонидан режа бўйича "Шарғун" кўмир кони шўъба корхонасида ўтказилган текшириш мобайнида аниқланган 2002 йил давомида бошқа ташкилотларга жўнатилган товар-моддий бойликларга ёзиладиган ҳисоб варақ-фактураларини белгиланган шаклда расмийлаштиришда солиқ тўловчининг идентификация коди рақамларини кўрсатилмагани, корхона ўтган йилни 200 миллион 810 минг сўм зарар билан якунлангани, қайта солиққа тортиладиган сарф-харажатлар 117 миллион 836 минг 800 сўмни ташкил этгани ва ундан 26 фоиз солиқ ундирилиши лозимлиги, зарарлар миқдори солиқ солинадиган базани камайтиришга асос бўлмаслиги, 30 миллион 657 минг 600 сўм фойда солиғидан яширилгани; бошқа корхоналардан олинган товар-бойликлар умумий қийматидан асоссиз равишда 42 миллион 15 минг сўмлик қўшимча қиймат солиғи ажратиб олиниши оқибатида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи кўп миқдорда камайтирилгани ва натижада 420,1 минг сўмлик экология солиғи, жами 138,2 минг сўмлик бошқа бюджет тўловлари тўланмай қолингани; қонунга зид равишда 25 миллион 471 минг сўм миқдорида бартер усулида товар алмаштириш ҳолларига йўл қўйилгани; корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш борасида қилинган ишларнинг қониқарсиз экани; корхонада жамоа мулкини талон-тарож қилишга йўл қўйилгани, жумладан, корхонага қарашли автогаражда эҳтиёт қисмлар ноқонуний чиқим қилиниб, 7 миллион сўмдан ортиқроқ турли техник воситалар талон-тарож содир этилгани каби бир қанча камчиликлар баён этилган эди. Таъкидлаш жоизки, текширув натижасига кўра корхонанинг иқтисодий ишлар бўйича бошлиқ муовини Н.Кондратова ва бошқа жавобгар шахсларга нисбатан 17-03/ 18046-сонли жиноят иши қўзғатилди.

Мантиқан бир-бирига уйғун бўлган бу икки воқеадан сўнг корхонада яна бир воқеа рўй берди. Аниқроқ айтганда, "Шарғун кўмир кони" шўъба корхонаси бошлиғи К.Хонов шу йилнинг 1 июл куни 107-х-сонли буйруқ чиқарди. Унинг мазмуни қуйидагича эди: "Меҳнатга ҳақ тўлаш ва режалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари Салима Ражабова корхона билан ўзи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида кўзда тутилган корхона тижорат сирларини ошкор қилгани ва корхона ички меҳнат тартиб қоидаларини бузгани учун 2-июлдан бошлаб ишдан бўшатилсин".

— "Шарғун" кўмир кони шўъба корхонаси вилоятда шу соҳа бўйича монопол мавқега эга. Шундай экан, корхонанинг қандай яширин тижорат сири бўлиши мумкин? Қолаверса, корхонанинг қандай сирини қайси рақобатчи маълум қилдим ва бундай корхона қанчалик зарар кўрди? Корхонадаги камчиликларни мутасадди идораларга билдирсак, корхонанинг "тижорат сири"ни очган ҳисобланамизми? — дейди куйинганча Салима Ражабова. — Аниқланган камчиликлардан ташқари бошлиқнинг корхонага қарашли "ГАЗ-31029" русумли автоуловни укасига бор-йўғи 295 минг сўмга сотиб юборгани "тижорат сири" ҳисобланадими? Умуман, "тижорат сири" деганда нимани тушуниш лозим?...

Қизиғи шундаки, бундай антиқа буйруқ асосида ишдан ҳайдаш шу билан тўхтамади. Шу йилнинг 2 июл куни 1994 йилдан буён корхонада бош механик вазифасида ишлаб келаётган Ҳикматилло Ёров ишдан бўшатилди.

— Корхонамизда карбид калций моддаси ишлаб чиқариладиган цехда ишловчи бошлиқнинг қариндошлари "бошқа бўлимларга харажат қилинди", деган баҳонада кўплаб қонунбузарликларга йўл қўяётганини айтганим бошлиққа ёқмади. Бундан ташқари, корхонага кўплаб эски ускуналар ўрнатилиб, корхонага катта миқдорда кирим қилинди. Бу ҳақда мутасадди идораларга ёзилган шикоят хатига мен ҳам имзо қўйган эдим. Шунинг учун бошлиқ мендан ўзига хос тарзда "ўч" олди, — дейди Ҳикматилла Ёров.

Орадан кўп ўтмай корхонадан участка бошлиғи ўринбосари Ҳасан Мингбоев ҳам "ҳайдалди". У ишлаб чиқариш технологиясига зид равишда очиқ усулда кўмир қазиб олиш лойиҳасига қарши чиққан ва корхонадаги камчиликлар ҳақида ёзилган шикоятга имзо чеккан. Уни ишдан бўшатиш ҳақидаги 113-х-сонли буйруқда шундай дейилган: «Ҳ.Мингбоев туҳматлар ёзилган шикоят хатини уюштирган ва унинг матнини компьютерда кўпайтириб, мутасадди ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларига жўнатган. Бу ҳаракатлари билан Ҳ.Мингбоев Жиноят кодексининг 139-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этган».

Очиғи, бу антиқа буйруқни ўқиган киши уни суд ҳукмидан кўчирма деб ўйлаши шубҳасиз. Қолаверса, суд ҳукмисиз фуқарони "жиноят содир этган" дейиш мумкин эмас. Бу ҳам етмагандек, шикоятчиларга корхона ишчи-хизматчилари номидан мурожаатнома қабул қилинган. Унда шундай жумлалар бор: "Корхона раҳбарияти устидан ёзган туҳматлари учун бу туҳматчилар гуруҳи ҳали жиноий жавобгарликка тортилади. Ашаддий туҳматчи ва иғвогарлар гуруҳи раҳбарлари Ҳ.Фияров, С.Ражабова, И.Ражабов, Х.Мингбоевлардан нафратланамиз ва улар ёзган туҳматлардан ғазабланамиз. Улардан корхонамиз ва жамоамизни тезда тозалашни, яъни уларни биз ишлаётган корхонадан ишдан ҳайдашни корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасидан илтимос қиламиз, шу илтимосимизни бажаришни сўраб имзо чекамиз".

Ажабланарлиси шундаки, мурожаатнома илова қилинган варақда 49 нафар ходимнинг рўйхати бор. Шулардан 1 нафари уни рад этган, 16 нафари "бетараф" деб имзо қўйган. Қолган 32 нафар киши имзо қўйишдан бош тортган. Иккинчи варақ «Шамоллатиш хавфсизлик техникаси» участкаси ишчи-хизматчилари учун мўлжалланган. Лекин чиройли дастхат билан бу участка ишчи-хизматчилари бетарафликлари ва имзо қўймасликларини айтишди, деб ёзиб қўйилган. Мазкур мурожаатнома хусусидаги изоҳлардан тийилиб, бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик: аввало, антиқа буйруқлару тумтароқ мурожаатнома қонунга қанчалик мос?

Албатта, бу билан кимнидир оқлаш ёки қоралаш фикридан йироқмиз. Баён этилганлардан кўзланган мақсад шуки, ҳар қандай ишда қонун талаблари бузилмасин, одамларнинг қонуний ҳуқуқлари топталмасин. Зеро, ҳуқуқий демократик жамият йўлини танлаган мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг ҳам бурчи, ҳам вазифаси ҳисобланади. Шу маънода «Шарғун» кўмир кони шўъба корхонасидаги муаммоларнинг қонуний ечимини топиши мутасаддилар ва жамоа аъзоларининг масалага қандай ёндашишига боғлиқ.

**Холиқ ЎКТАМОВ,**
**журналист**

Zamon savollari

# "СИГИР ЙЎҚОЛМАСДАН ИЛГАРИ БОРМИДИ?"

## ёки низоли узунқулоқ говмиш қиссаси

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Суд ижрочиси билан у биргал қайнотасиникига борганда сигир йўқлигини кўриб, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ҳикоясидаги Қобил бобосининг ҳолига тушди. Туман суд ижрочилари бўлинмасидагилар Б.Раҳимов томонидан сигир яшириб қўйилгани, шунинг учун суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш имкони йўқлиги, бундай ҳолда ижрони қай йўсинда бажаришни тушунтириб беришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига ёзма равишда мурожаат қилишган.

Саноат эса куйиниб гапиради:

— Отамнинг сигири учун акам билан янгамнинг олдида ким деган одам бўлдим. Қайнотам ўзича суднинг ҳал қилув қарорини тан олишни истамайди. Ўғли, яъни эрим отасининг чизган чизиғидан чиқмайди. Отасининг гапи гап. Қайнотамнинг мақсади менга эрим билан ажрашиш тўғрисида судга ариза ёздириб, суд харажатларини тўлатиш. Шундай қилсам, уйдаги таналардан бирини берармиш...

Шу ўринда биз судья Б.Хўжаниёзовдан масалага ойдинлик киритишни сўрадик.

— Суднинг ҳал қилув қарори фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация тартибида ишни кўриб чиқиб, туман судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди, — деди Б.Хўжаниёзов. — Холисона баҳо берганда, С. Раҳимованинг суд ижрочилари ўз ваъдасига совуққонлик билан қараяпти, деган даъвосига қўшилиб бўлмайди. Чунки кассация шикояти кўрилиш даврида ҳал қилув қарори ижроси тўхтатиб турилган. Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро мурожаат қилиш ва унга тегишлича жавоб олиш ҳуқуқига эга. Лекин фуқаро мурожаати қонун талабларига мос бўлиши керак. Б.Раҳимовнинг Фуқаролик Процессуал Кодексининг учинчи бўлимида кўзда тутилган "Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш" тартибларига амал қилмагани ижронинг вақтида таъминланишига халал берган. Баҳриддин Раҳимов фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди кассация ажримидан ҳам норози экан, вилоят судига назорат тартибида мурожаат қилиши керак эди. Афсуски, у бунинг ўрнига бир қатор нуфузли идораларга, жумладан, Олий судга шикоят ёзган. Марҳамат, истаганча ёзсин, мурожаат қилсин. Лекин мурожаат қилиш тартиби бузилмаслиги, суднинг ҳал қилув қарори ижрочилари обрўсига соя ташламаслиги лозим.

Албатта, қонун талаби ҳамма учун бирдек баробар эканини унутмаслик керак. Шу билан бирга бу ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари ҳам бор. Ахир, ўзингиз ўйланг, ўз пуштикамаридан бўлган фарзандининг оғзини оқартириб турган, қайнотаси қизига берган сигирни куёвнинг яшириб ўтириши қайси мантиққа тўғри келади?

Эркак кишига шундай ишга қўл уриши ярашадими? Янада жайдарироқ қилиб айтсак, нега энди келиннинг ўзи ёмон-у, моли яхши бўлиб қолди?!

Биз судья Б.Хўжаниёзовдан суднинг ҳал қилув қарори ижроси энди қонунан қандай якун топишини сўрадик.

— Даъвогарга тегишли Б.Раҳимовдан олиб берилиши лозим бўлган сигир яшириб қўйилган экан, барибир, суднинг ҳал қилув қарори ижроси таъминланади, — деди у. — Суд томонидан қўшимча қарор чиқарилиб, сигирнинг бозор нархидаги ўртача нархи жавобгардан ундирилади.

Хуллас, низоли узунқулоқ қизил говмиш машмашаси пойтахтгача етиб бориб одамларнинг қимматли вақтини ўғирлаган, бу томонда Саноат Раҳимова отаси берган сигирни ололмай сарсон. Энди ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Чунки суднинг қарори қонуний кучга эга. Демак, сигир можароси ўз ечимини топади.

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Жилғаларда шивирлар ҳаёт*

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Qilmish-qidirmish

# ПАНД БЕРГАН СОХТАГАРЧИЛИК

Солиқлар мамлакат бюджетининг асосини ташкил этади. Шу боис солиқларни яшириш ёки ундан бўйин товлаш халқимиз хазинасига хиёнат қилиш билан баробардир. Бу эса солиқ қонунчилигига риоя этмаганларни қонун асосида жазолашни талаб этади. Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари бундай қонунбузарликларга қарши кескин кураш олиб боришмоқда.

Масалан, Яккабоғ шаҳрида яшовчи Музаффар Жўраев уйида яширин цех очиб, қонунга хилоф равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва фуқароларга сотиш билан шуғулланиб келган. Унинг уйи текшириб кўрилганда 892 дона ароқ қопқоқлари, 300 дона "Ўзбекистон портвейни" ёрлиғи, 105 дона "Мингчинор" ароғи ёрлиғи, 14 дона қалбаки акциз марка, 27,5 литр узум шарбати ва кўплаб шиша идишлар топилди. Шунингдек, унинг ҳовлисида турган Фахриддин Тўхтаев бошқарувидаги "Москвич-412" русумли автомашина юкхонасида қўлбола усулда тайёрланган ва қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган 680 дона "Ўзбекистон портвейни" вино маҳсулоти борлиги аниқланди. Ушбу ашёвий далиллар асосида М.Жўраевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Яккабоғ туманидаги "Эшони пир" ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси бошлиғи Низомжон Маллаев ва бош ҳисобчи Муҳиддин Маҳмадалиев туман ДСИга топширган ҳисоботларида корхонанинг 7614454 сўм даромадини қасддан яшириб, жами 4018407 сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб келишган. Аслиддин Жалилов эса ишлаб чиқарилган 2100 литр автобензин маҳсулотини қонунга зид равишда сотиш билан шуғулланган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хуллас, жорий йилнинг олти ойи мобайнида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида солиққа оид 23 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, айбдор шахсларнинг 10 нафари маъмурий, 12 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Маъмурий жавобгарликка тортилган шахслардан 348,3 минг сўмлик жарима ундирилди, 127,5 минг сўмлик товар моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинди. 13 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, 12688,5 минг сўм етказилган моддий зарар, 5412 минг сўм яширилган солиқ ва 12442,6 минг сўм молиявий жарималар белгиланган тартибда ундириб олинди.

Солиқ тушумини кўпайтириш ва ихтиёрий солиқ тўлашга жалб қилиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида 35 нафар тадбиркорлар ихтиёрий равишда солиқ тўловчи сифатида рўйхатга олиниб, улардан 2250,2 минг сўм миқдорида солиқ ва мажбурий тўловлар тўлатилишига эришилди.

Кўриниб турибдики, яширин иқтисод билан шуғулланган ва солиқ тўлашдан бош тортган шахслар эртами-кечми, барибир, қонун олдида жавоб беришади. Бошқача айтганда, сохтагарчилик доимо панд берган ва келгусида ҳам шундай бўлади.

**Раҳим ДАМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ғози РАМҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Munosabat

# ЙЎЛ БОШИДАГИ АДАШУВ

## у кейинчалик жуда қимматга тушиши мумкин

***Эндигина 22 ёшга кирган Қурбон Дўстмуродов ҳаёт мазмунини бойликда деб билди. Шу боис ўзича пулни пулга уриштириб, сармоясини кўпайтириш пайига тушди. Бу ўй-хаёллар уни жиноятга етаклади.***

У шу йилнинг 27 март куни 1750 АҚШ долларини сотиш учун ноқонуний равишда Тошкент шаҳридаги "Аския" бозорига келади. У валютага харидор қидириб юрганида ёши олтмишларга борган бўлса-да, ақлини топмаган К.Райимбоев билан учрашиб қолади. Улар бир АҚШ долларини 1150 сўмдан сотишга маслаҳатлашиб шу куни тушлик вақтида учрашишга келишади. К.Реймбоев АҚШ долларини қаердан олишни билмай юрган таниши Венера Шокированы кўз остига олиб қўйгани сабабли унга чет эл валютасини топиб беришини таклиф қилади. Ўйлаган мақсади осонгина амалга ошишини эшитган аёл қувониб кетади, аммо бу хурсандчилиги узоққа чўзилмайди. Чунки "холис хизмат" кўрсатмоқчи бўлган таниши унга давлат баҳосида 970 сўм деб белгиланган бир АҚШ долларини 1150 сўмдан топиб беришини айтади. Бунинг ноқонуний эканини тушунган Венера ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига мурожаат этади. Шу тариқа бир фуқарони алдаб, қиммат баҳода Америка валютасини пулламоқчи бўлган сохта тадбиркорлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олиниб, суд ҳукми билан тегишли жазога тортилишди.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: Қурбон Дўстмуродовни ёшлик қилиб, шу ноқонуний ишга қўл урибди дейлик. Аммо унинг ҳамтовоғи кексайган чоғида нафсига эрк бериш ўрнига ҳали ҳаётнинг иссиқ-совуғига унча тушунмайдиган ёш шеригини бу ғараз йўлдан қайтарса бўларди-ку?!

Нафс қўйига кириб, фирибгарлик орқали бойишни кўзлаганлардан бири тошкентлик Бахтиёр Қаюмовдир. У шу йилнинг 28 март куни Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган "Асакабанк"нинг Тошкент вилояти бўлимининг валюта алмаштириш шахобчасидан фуқаро валюта Э.Гайнулинага ўн беш минг сўм эвазига 1500 АҚШ долларини ноқонуний равишда харид қилдирган. Шу паллада таман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шу тариқа ҳаром йўл билан пул топмоқчи бўлган сохта тадбиркорларнинг нияти амалга ошмади. Бироқ эндигина ҳаёт йўлига кираётган ёшларнинг бундай жиноятга қўл уриши кишини ўйлантириб қўяди. Чунки миллий урф-одат ва қадриятларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, бир болага етти маҳалла ота-она ҳисобланади. Шундай экан, юқорида баён этилган воқеаларнинг туб илдизи тарбияга бориб тақалмаяптими?

Хулоса шуки, бола тарбияси масъулиятли вазифа. Шу маънода ёшлар онгига ҳалоллик, адолатпарварлик каби кўпдан-кўп инсоний фазилатлар сингдирилмас экан, жамият тараққиётида силжиш бўлмайди. Буни ҳар биримиз яхши англаб етишимиз зарур.

**Бахтиёр ХЎЖАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Шуҳрат МУСАЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Ж. ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-719. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50